Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида “маҳалла еттилиги” саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш

Кўриб чиқиладиган масалалар:

1. “Маҳалла еттилиги” нинг асосий мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

2. Аҳоли муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг вазифалари;

3. Маҳалла раисининг “Маҳалла еттилиги” аъзолари саъй-ҳаракатини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтиришдаги вазифалари;

4. “Маҳалла еттилиги” фаолиятини янада самарали ташкил этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар

“Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келаяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини.

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПФ-209-сон Фармони

Маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги «кўприк» вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айлантириш

Маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш

Маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш

Маҳалла еттилиги фаолияти тизимли йўлга қўйиш

Маҳаллалар сони - 9 452 та.

“Маҳалла еттилиги” сони - 53 570 нафар.

Вакант - 1 451 та .

Маҳалла раиси - 9 252 нафар.

Вакант – 200 та.

Ҳоким ёрдамчиси - 9 149 нафар

Вакант – 303 та

Хотин-қизлар фаоли - 9 386 нафар

Вакант – 66 та

Ёшлар етакчиси - 9 345 нафар

Вакант – 107 та

Профилактика инспектори – 10 138 нафар

Вакант – 186 та

Ижтимоий ходим – 3 075 нафар

Вакант – 510 та

Солиқ инспектори – 4 290 нафар

Вакант – 79 та

ҲАМКОРЛИКДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

1. Коллегиал қарори асосида

- жисмоний шахсларни дафтарларга киритади;
- дафтарлар орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишни ташкил этади;
- Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатади ва субсидиялар ажратади;
- ижтимоий ходим томонидан киритилган ҳолатларда «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар маҳалла «еттилиги»га кўриб чиқиш учун киритилган ҳолда кўрсатилади;

2. Ҳамкорликдаги умумий ишлар

- маҳалланинг ички ресурсларини аниқлайди ва уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этади;
- «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута кўчатлари экилишини таъминлайди;
- «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонларини жорий этади;
- маҳалла инфратузилмаси бўйича ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатади;
- маҳалла ҳудудидаги таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давоматини назорат қилади;
- аҳолига тиббий хизмат кўрсатилиши устидан назорат ўрнатади;

МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Маҳалла фаолиятини ташкил этиш йўналишида:

1. «Маҳалла еттилиги»га умумий раҳбарлик қилади, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланади
2. “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлайди
3. аҳоли билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлаш бўйича учрашувлари ташкил этади
4. Маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакилларини аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этади ва муаммоларга ечим топишини таъминлайди
5. «Маҳалла еттилиги» аъзоларини ҳиссоботини эшитади

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ

Ҳар ойда камида 10 нафар ишсизнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш чорасини кўради

Ҳар чоракда бир маротаба кредит ёки субсидия ажратилган фуқароларнинг уйига бориб, тадбиркорлик ва даромад топишга қаратилган фаолиятини юриб кетишига кўмаклашади

Ҳар чоракда камида 5 нафар ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларни якка тартибдаги тадбиркор ёки оилавий корхона сифатида иш бошлашига ёрдам беради

Аҳолига ижара ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонлари ва томорқаларда экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритади

Маҳалладаги камбағал оилаларнинг ҳар бири учун «индивидуал дастур» ишлаб чиқади ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирларини белгилайди

Маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантиради

Маҳалладаги бўш турган бино-иншоотлар ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўради

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этишга жалб этишга жавоб беради

Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўгаракларига жалб этади, ҳафтада бир маротаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади

Маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди

Ҳар ойда бир маротаба мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради

Маҳаллада «оғир» тоифадаги ёшларнинг яшаш манзили ва иш жойига бориб, бириктирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлайди

Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш чораларини кўради

Ҳар ойда камида бир маротаба хориждаги ёш ватандошлар билан мулоқот қилиш орқали уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда Ватанга қайтиб фаолиятини юритиши учун «маҳалла еттилиги» билан зарур чораларни кўради

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ

Хотин-қизлар фаоли ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди

Маҳаллада ҳар ойда ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради

Ҳар ойда бир маротаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади

Ҳар ойда камида 5 нафар маҳалладаги хотин-қизларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилади

Ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш

Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади

Ҳар ойда бир маротаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради

МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ҚЎШИМЧА ҲУҚУҚЛАРИ

маҳалладаги туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга **йўналтириш**, фаолияти устидан **жамоатчилик назоратини ўрнатиш**;

фаолиятини баҳолаш, натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига **ахборот киритиб бориш**;

рағбатлантириш ёки уларга нисбатан **эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш** юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган **тақдимномалар киритиш**;

“Маҳалла еттилиги” аъзолари фаолияти асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда **20 фоиз балл бериш**

“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг ишга келиб кетиши тўғрисидаги **давоматни (табелни) юритиш**

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Маҳаллаларни моддий техник базасини мустаҳкамлаш, маҳалла “еттилиги”нинг фаолият юритишига етарли шарт-шароит яратиш

- *1 184 та маҳалла биноси қуриш*
- *636 тасини капитал таъмирлаш*
  792 тасини жорий таъмирлаш
- *438 тасига мебель жиҳозлари олиб бериш*
  1473 тасига компьютер техникаси олиб бериш

Қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш

- **Жисмоний шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишнинг янги тартиби бўйича**
- **Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, чегараларини белгилаш ва ўзгартириш бўйича**
- **“Маҳалла еттилиги” аъзоларини ўқитиш бўйича**

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ